

---

“Ташаббусли бюджет” лойиҳасида Фурқат туманидан умумий қиймати 3.726 млрд. сўм бўлган 3 та таклиф ғолиб бўлди.

“Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг жорий йилги 2-мавсуми якунланди. Республика Молия вазирлигининг маълум қилишича овоз бериш якунларига кўра мамлакатимиз бўйлаб жами 1418 та лойиҳалар ғолиб деб топилди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун 1 трлн. сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилади.

Лойиҳа доирасида Фурқат тумани бўйича фуқаролар томонидан жўнатилган таклифлардан умумий қиймати 3.726 млрд. сўм бўлган 3 та лойиҳа ғолиб деб топилди.

Хусусан, [“Томоша”](#) маҳалласининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш, [“Ўртақўрғон”](#) маҳалласининг ички йўллари таъмирлаш ҳамда туман [тез тиббий ёрдам бўлими](#) учун алоҳида бино қуриш юзасидан платформага киритилган ташаббуслар ғолиб дея топилиб, мазкур таклифлар молиявий қўллаб-қувватланадиган бўлди.

Туман бўйича ғолиб ташаббуслар рўйхати билан [ушбу манзилда](#) танишишингиз мумкин.

2022-09-19 12:18:57